



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz


2014 йил 3 апрель, № 64 (5994)

Пайшанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Фаргона вилоятининг Куvasой шаҳрида халқаро бизнес-форум ўтказилди. Тадбирда БАА, Бангладеш, Покистон, Швейцария, Қозғистон, Хитой, Вьетнам каби давлатларнинг юртимиздаги дипломатик корпуслари масъул ходимлари, шунингдек, Жанубий Корея, Сингапур, Германия, Латвия, Ҳиндистон, Япония, Буюк Британия, Беларусь ва бошқа мамлакатларнинг 50 дан зиёд компаниялари вакиллари иштирок этди.

Куvasой инвесторларни жалб этмоқда

Халқаро форумнинг манзили сифатида Куvasой танлангани бежиз эмас. Негаки, Фаргона вилояти саноат, хусусан, иссиқлик энергетикаси, машина-созлик, электротехника, пахта толеси ва мевани қайта ишлаш, трикотаж маҳсулотлари ҳамда табиий чармдан оёқ кийимлари тайёрлашда республика-миз миқёсида улкан салоҳиятга эга бўлса, Куvasой шаҳри эса ҳудуднинг йирик қурилиш индустрияси маркази ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда мазкур вилоятда қулай инвестиция муҳити яратилгани, айниқса, транспорт-коммуникация тармоқлари жадал ривожланаётгани хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ҳар гектарда 2500 донадан қўчат

Урганч давлат университетининг ўқув-амалий хўжалигида Франция, Италия, Нидерландия давлатларидан келтирилган олманнинг 16 та, нокнинг 8 та яримпакана ва пакана навлари минтақамиз иқлимга мослаштирилди.

Уларнинг афзаллиги шундаки, бу боғларда гектарига 2500 донга қўчатни жойлаштириш мумкин. Маҳаллий боғларда эса ушбу қўчат-кич 250 донани ташкил этади, холос. Интенсив боғдаги мевали дарахтларнинг ҳар түпидан 50 килограмм ҳосил олиш мумкин. Университет олимлари бу йил яна 2 гектар ана шундай нок ва

олхўри боғини бунёд этишни ният қилишган. Келгусида университет қошидаги мазкур хўжаликда қўчатчилик йўлга қўйилиб, вилоят боғбонлари ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларига қўмақлаш режалаштирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўсимлик пояларидан арзон ва экологик тоза ёқилғи

Бўка туманидаги «Alter fuel from stem» масъулияти чекланган жамиятида муқобил ёқилғи — экобркет тайёрлаш ўзлаштирилди.

Мутахассислар томонидан ўтказилган синов ва текширувларда бундай маҳсулот ёнганда 3915 ккал/кг иссиқлик ажралиши аниқланди. Бу бошқа ёқилғи ашёлари, масалан, кўмир брикетларига қараганда қарийб 1,5 баробар юқори қўрсаткичдир.

— Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати — гўза, шולי, pista ва жўхори каби ўсимликлар поя қолдиқларидан фойдаланянимиз,— дейди тадбиркор Алишер Очилов. — Мақсадимиз — халқ хўжалигининг қўлпаб тармоқларига экологик безарар ёқилғи етказиб бериш баробарида, қишлоқ мулкдорлари учун яна бир қўлайлик яратишдир.

Қорхонада хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида йилга 5 минг тонна экобркет тайёрлаш имконияти яратилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Зангга қарши самарали восита

Ферроқотишма металл мустаҳкам қилади ва уни занглашдан асрайди. Жиззах тоғларида ушбу қимматли ашё олинмаган, таркиби кремнийга бой руда манбалари кўп.

Яқинда Янгиер шаҳридаги «Жавохир Ҳикматилла» масъулияти чекланган жамияти томонидан ферроқотишма ишлаб чиқариш учун ана шу тоғ жинсларидан хом ашё сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, кокс, оҳак, тош ва графитдан газ-пайвандлаш ишларида кенг қўлланиладиган карбид кальций тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозир бу ерда кунига 1 тонна ферроқотишма ва 2 тонна карбид кальций тайёрланмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ
ШАҲИ

Жорий йилда мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида республикаимизнинг олис туманларида яшовчи

145 000

нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).



ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган «WorldFood Uzbekistan — 2014» ва «AgroWorld Uzbekistan — 2014» озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмаларида яққол намоён бўлмоқда

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ўзулгуржисавдоинвест», Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида Австрия, Бельгия, Беларусь, Болгария, Германия, Испания, Италия, Қозғистон, Хитой, Корея Республикаси, Латвия, Малайзия, Руминия, Польша, Покистон сингари 20 дан зиёд мамлакатнинг 150 дан ортик компанияси қатнашмоқда. Улар томонидан тақдим қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ускуналари, экинларни турли зарарчундан ва ҳашаротлардан ҳимоялаш воситалари, ветеринария хизматлари, минерал қўшилмалар, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда бошқа экспонатлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



Барчага аёнки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда олиб борилаётган ишлар амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ерларнинг фермерлар ихтиёрига берилиши галла, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш баробарида, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш имкониятини ҳам янада кенгайтирди. Ўтган йили республикаимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоиз ўсиб,

қишлоқ мулкдорлари томонидан 3 миллион 360 минг тонна пахта хом ашёси, 7,8 миллион тонна галла ва 8,4 миллион тонна сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олингани бунга яққол мисол бўлади. Ҳозирги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгайиб, уларда қайта ишланаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда сотилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмалари эса ўзаро тажриба алмашиш ва тармоққа илғор технологияларни жалб қилиш орқали ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Чунки бу ерда тақлиф этилаётган ҳар бир ускуна ёки маҳсулот бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб беради.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Хусусан, парламент юқори палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида Сенат ялпи мажлиси кун тартибига киритилган қатор

қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда. «Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай ҳужжатлардан биридир. Мухбиримизнинг қўмита аъзоси И. КАРАТАЕВ билан суҳбати ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида бўлди.

ҲУҚУҚИЙ ПРОФИЛАКТИКА СОҲАСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясининг ишончли механизмини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасининг қонуний асосларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди сенатор. — Кўрилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган ишларни қу-

чайтириш имконини бермоқда. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кутилаётган мазкур Қонун бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу ҳужжат ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини янада тақомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, мазкур субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу

Қонунда, айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимлигини таъминлаш ҳамда бу борадаги масалаларни тартибга солувчи қўлпаб ҳуқуқий нормаларни унификация қилиш кўзда тутилган. — Қонуннинг ҳуқуқбузарликлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти, дарҳақиқат, жуда катта. Айтинг-чи, қўмита томонидан ушбу ҳужжатни кўриб чиқиш жараёни қандай кечмоқда? — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томо-

нидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси парламентимиз қўйи палатасида депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари иштирокида кенг муҳокама қилиниб, маромига етказилди ҳамда қабул қилинди. Бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари вакиллари иштирокида ташкил этилган турли семинар, давра суҳбатлари ушбу ҳужжатни маромига етказишда айна мудоао бўлганини айтиш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Қонун кенг муҳокама қилинмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида бўлиб ўтган «Жамоатчилик мавзусидаги давра суҳбати ва давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалалари» мавзусидаги давра суҳбати ҳам қонунчиликдаги янгиликларни муҳокама қилишга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаоллари, экспертлар ва журналистлар қатнашди.

Тадбирда юртимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини, ушбу жараён-

(Давоми 2-бетда).

ЯРМАРКА

Самарқандда ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 февралдаги "2014 йил Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, унинг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда

Таъкидлаш керакки, аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ҳужжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топиш, энг муҳими, юртимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Айтилик, ўтган йили вилоятда ўтказилган ярмаркада 200 га яқин саноат корхонаси, шунингдек, 7400 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашиб, пировардида умумий қиймати 7 миллиард 498,2 миллион сўмлик 586 та шартнома имзоланган бўлса, экспорт бўйича тузилган шартномалар 4 миллион 406 минг АҚШ долларини ташкил этган эди.

— Бу йилги ярмаркада 10 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш учун келишувларга эришдик, — дейди Пастдаргом туманидаги "Бека Чарос" хусусий корхонаси раҳбари Гулбека Кўчқорова. — Корхонамиз кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, маҳсулотларимиз сифати юқорилиги, табиий матоддан тикилаётгани боис унга талаб тобора ортаятти.

Икки кун давом этган ярмаркада 225 та саноат корхонаси, 7600 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг 1360 турдаги маҳсулотлари намойиш қилинди. Уларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи эканлиги ҳамда экспортга йўналтирилгани туфайли 8 миллиард 675 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, чет эллик харидорларга 7 миллион 91 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртмалар олинди.

Буларнинг бари Самарқанд вилоятининг саноат салоҳияти юксалиб, кооперация алоқалари мустаҳкамланаётганидан яққол далолатдир.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Беш бадий гулдаста

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Истиқлол илҳомлари" рукнида "Озод Ватан саодати" деб номланган беш жилдлик китобларнинг тақдироти бўлиб ўтди. Уюшма қошидаги "Адиб" нашриёти томонидан чоп этилган ушбу китобларда истиқлол йилларида шеърят, наср, драматургия, бадий публицистика, адабиётшунослик йўналишларида яратилган энг сара асарлар жамланган.

ТАҚДИМОТ

Шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тақдимот маросимида сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ижод аҳлига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликни эътибор этиб, мазкур китобларнинг яратилиши ана шу эъзознинг самараси эканлигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борада олиб борилаётган эзгу саяё-ҳаракатлар замирида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида ватанга садоқат, қадриятларга чуқур эҳтиром туйғусини синдиришдек улғувор гоя мукассам.

2010 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжат қабул қилинган, унда кўзда тутилган вазифалар бўйича бекиёс ўзгариш ва янгиланишлар кўзга ташланди. Бу ижод аҳли учун катта имконият ва имтиёздир, албатта. Давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эъти-

бор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли асариде шундай дейилди: "Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод со-



ҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур".

— "Озод Ватан саодати" дея номланиб, сифатли тарзда чоп этилган ушбу китоблардан энг сара асарлар жой олганлиги барчамизни беҳад қувонтирди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. — Истиқлолнинг мунаввар зиёсидан илҳомланиб яратилган ижод намуналари ўқувчининг эътиборини тортиши, уни мулоҳаза юритишга, муҳоҳада қилиш-

га, жонажон Ватанимизни янада севвишга ундаши, шубҳасиз. Энг муҳими, "Истиқлол илҳомлари" туркумидаги бундай китоблар чоп этилиши аънамага айланади, унга янгидан-янги асарлар киритилиши эзгуликка хизмат қилади, албатта.

Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизликларнинг, маънавий ту-банликларнинг одатий ҳолга айланиб бораётгани қалби уйғоқ одамни жиддий ташвишга солиши аниқ. Шу маънода, Президентимизнинг адабиёт аҳлига муҳожатидаги қуйидаги фикрлар алоҳида диққат ва эътиборга молик: "Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағри-кенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаёсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилёсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини баҳарган бўлади".

Тақдимот маросимида ушбу таъкидлар уюшма ва ҳар бир ижодкор фаолиятида дастуриламал бўлиши зарурлиги қайд этилди. Эеро, шаклидан қатъи назар, барча бадий асарлар миллий ўзлгимиз ва умуминсоний қадриятларининг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши айни муддаодир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қувасой инвесторларни жалб этмоқда

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Масалан, биргина 2013 йилда ҳудуд иқтисодиётига 125 миллион доллардан ортиқ чет эл сармояси киритилиши натижасида пахта толаси, трикотаж маҳсулотлари, куёш батареялари, қурилиш материаллари, оёқ кийимлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасида юқори ўсиш суръатларига эришилди. Бугунги кунда Фарғона вилоятида дунёнинг 80 дан

кўпроқ давлатлари билан ҳамкорликда 100 дан зиёд қўшма корхона самарали фаолият кўрсатаётгани хисобга олинса, халқаро анжуман, табиийки, бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиришда муҳим омили бўлиши турган гап.

Тадбир асосида қўлаб ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

— Юртингиздаги "Сардор Фарм Саноат", "Меҳригиё" корхоналари билан Узаро манфаатли ҳамкорлики йўлга

қўйиш юзасидан келишиб олдик, — дейди Ҳиндистондаги фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган "Alisha \$ Isha" йирик ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Прэм Кумар. — Бу Ўзбекистонда табиий дармондориларга бой гиёҳлар ва ундан тайёрланган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, шу билан бирга, ўзимизнинг сифатли дори-дармонларимиз, табиий жиҳозларни мамлакатингизга етказиб беришимиз учун қулай имкониятдир.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2014 йил 5 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ургут тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик сундининг 2013 йил 4 октябрдаги 10-1309/13692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Навоий шохўчасида жойлашган, умумий ер майдони 11 588 кв.м. бўлган, 2 қаватли маъмурий бино ва ёрдамчи бинолар қўйилган. Бошланғич баҳоси — 630 138 000 сўм.

БИЛДИРИШ 1. «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 1 мартдаги 43-сониде хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (аввалги генерал Узоқов) кўчаси, 60-«А» уй, 159-хонадон ва Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (аввалги генерал Узоқов) кўчаси, 60-«А» уй, 160-хонадонда жойлашган тураржойларнинг аукцион савдоси Олмазор тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 27 мартдаги хатига асосан тўхтатилди.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик сундининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси ва Кичик

ҳалқа йўлида жойлашган, «Зарбдор Елеватор» АЖ ҳисобидеги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш («Анварбек» тўйхонаси) биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 741 831 977 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 16 апрель куни соат 18.00. Аукцион савдосига қўйилган қўшмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Kochmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» МЧЖ Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2262600080492069001, МФО: 00122, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2014 йил 6, 8, 13 ва 15 май кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шохўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташкилоти фаолият миллий банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Номи ва ташкилий-хўжуқчи шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	«TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Жамият уставиде қоғоз, картон, халқ истеъмоли моллари, бошқа турдаги маҳсулотларни, жамият фаолияти билан боғлиқ маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташиқ-иқтисодий фаолияти, чакана савдо тармоғини кенгайтириш, тижорат ва воситачилик хизматлари, кредит-заём фаолияти, аҳолига ва юридик шахсларга транспорт хизматлари кўрсатиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган	25 949 476 000,0	12 397 628,40
2.	«NAMANGAN QOQ'OZI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй	Жамият уставиде канцелярия ва қадоклаш жиҳоз маҳсулотларини, офсет ва ёзув қоғозлари маҳсулотларини, қоғознинг ҳар хил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл мамлакатларида фирма дўконларини ташкил қилиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган	3 859 212 000,0	2 008 186,33
3.	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Жамият уставиде болалар таомларини ишлаб чиқариш, шунингдек, белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш белгиланган	16 040 028 800,0	8 274 027,03
4.	«EASTBRICK» МЧЖ	Қашқадарь вилояти, Қамаш тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ	Жамият уставиде қурилиш ва ҳўжалик моллари ишлаб чиқариш, шунингдек, белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш белгиланган	2 859 145 000,0	1 328 284,18

Очик аукцион шартлари. Очик аукцион қолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридеги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотида шартномасига асосан бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади. Объект хоржий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Узмиллибанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади. Объектлар фаолиятни тиклаш мақсидеги киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлиниши шарти билан сотилади. Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар) очик аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Очик аукцион савдосиде қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: * юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, раҳбарининг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортини нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома; * жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома. Талабгорлардан буюртномаларини қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кундан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Очик аукцион савдолариде иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдоларга қўйилаётган «Toshkent qoq'oz» МЧЖ улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдориде, «Kinder fruits» МЧЖ улуш бошланғич нархларининг 3 фоизи миқдориде ҳамда «Namangan qoq'oz» МЧЖ ва «Eastbrick» МЧЖ улушлари бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридеги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ

«Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274. Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқориде кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин. Очик аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади. Мувожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шохўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31. Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru Гувоҳнома № 005357.

Спорт • Sport • Спорт • Sport



Хабарингиз бор, яқинда Хитой Тайпейда таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган II ўсмирлар Олимпиадасига йўлланма берувчи турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлари ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Ёшларимиз

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

63 килограмдан юқори бўлган қизлар баҳсида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган таэквондочимиз маҳорат ва тажриба бобида бошқалардан сезиларли даражада устун эканлигини исботлади.

дуллаева. — Инсон бирор ишни бошлашдан аввал, албатта, олдига қандайдир мақсад қўяди. Мен ҳам таэквондо билан шуғулланишга киришганимда Олимпиада ўйинларида иштирок этишни ният қилганим.

моамиз билан хурсанд бўлдик, — дейди Чирчиқ олимпия захиралари коллежи директори Музаффар Раҳматхўжаев. — Бу юртимизда Президентимиз раҳамомлигида жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган ювсақ эътибор самараси.

Жаҳон чемпионати якунлиб, юртимизга қайтиб келган спортчиларимизни "Тошкент" халқро аэропортида Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар кутиб олди.

Умида Абдуллаева Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида туғилган. 10 ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланади. Биринчи устози Пахлавон Собировдан олган сабоқлари жуда асқатмоқда.

Яна бир неча кундан сўнг терма жамоамиз аъзолари навбатдаги тайёргарлик босқичини бошлашди. Умида учун бу йил янада масъулиятлидир. Негаки, у 25-28 май кунлари пойтахтимиз мезбонлик қиладиган қитъа чемпионати ҳамда 19 сентябрдан 4 октябрга қадар Жанурий Корейнинг Инчон шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Энг катта орзуларимдан бирига етдим, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Умида Аб-

ҳам киритилди. Яъни голиблар номи энди 16 та спорт тури бўйича аниқланади. Шубҳасиз, ушбу ташаббус халқро турнирларда ҳамюртларимиз эришадиган натижалар бундан юқори бўлишига ҳизмат қилади.

Шу ўринда маълумот сифатида келтириб ўтсак, Умида Абдуллаева тўрт қарра Ўзбекистон чемпиони ҳисобланади. Утган йилнинг 24-25 ноябрь кунлари катталар ўртасида, 29-30 ноябрь кунлари эса ўсмирлар ўртасида шундай муваффақиятга эришди. Халқро миқёсдаги кўрсаткичлари ҳам эътиборга молик.

Ҳўш, Умида жаҳон чемпиони ҳам бўлиши мумкинми? — Албатта бўлиши мумкин эди, — дейди таэквондо WTF бўйича ўсмирлар терма жамоаси катта муррабийи Абдувоҳид Раҳимов. — Аммо бунга халал қилган ҳолатлар бўлди. Масалан, Олимпиада ўйинларида йўлланма берувчи турнир якунлини билан орадан бир кун ўйиб, жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу вақт оралиғида Умида спорт формасини тўлиқ тиклаб улгуролди. Шунга қарамай, жаҳон чемпионатида биринчи баҳсини ҳиндистонлик тажрибали тенгдошига қарши ўтказиб, уни 9:2 ҳисобида мағлуб этди.

ХўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИҲОНИ КОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СУРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофиза қилиш қодаларига мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофиза зонасига руҳсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- руҳсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
• магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун ўтказиш жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
• магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
• турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
• магистраль алоқа кабелли линиялари муҳофиза зонасига кудуқлар қазииш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
• турли-туман чикиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
• магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулкан ёқиш КАРТИЯН ТАКИҚЛАНАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофиза ҳудудларида ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШБҲАВ ЭҲТИЁТҚОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофиза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариш, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофиза ҳудудларида ер қазииш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳақида боғлиқ телефон рақамлари:

Table with columns for location (e.g., ТТТ филиали, Биринчи кабель цехи), phone numbers, and other details for various cable network branches.

ХОРДИК

Дам олиш кунлари оила аъзоларинг билан истироҳат боғлари, санъат саройларига бориб, маданий ҳордиқ чиқаришга нима етсин?

Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Тошкент вилоятининг ўзида охириги бир йил ичида бундай масканлар сони 10 тага кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Унга мувофиқ, Олмалик шаҳри, Қибрай, Бўстонлик, Зангиота туманларида худди шундай марказлар аҳолига хизмат кўрсата бошлаган бўлса, Оққўрғон, Бўка ва Беқобод туманларидаги боғ ҳамда хиёбонларда реконструкция ишлари ҳадемай ниҳоясига етади.

Яқинда Ангрен шаҳридаги «Дукент» маданият маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда аҳоли, хусусан, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши, маънавий оламини бойитиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Жумладан, марказ замонавий спорт ва санъат саройи, истироҳат боғи, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга. Бадий гимнастика, адабиёт, миллий мусиқа санъати бўйича унга яқин тўғрақлар ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Universal auktsion invest» МҶФ Фаргона вилояти филиали очик аукцион савдоларига такиф етади.

2014 йил 18 апрель кунин соат 10.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- * Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Данғара тумани судининг 2013 йил 24 сентябрдаги 1-250/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 40P 254 JA.
* Бошлангич баҳоси — 18 388 528 сўм.
* Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «1-сонли КМК» да сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Forland» русумли, давлат рақами 15 AN 909.
* Бошлангич баҳоси — 29 084 149 сўм.

Мақзур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдодо сотилмаган тақдирда, уларнинг тақририй савдоси 2014 йил 5 май кунин соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истиағидеги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион

савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоситта жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истиағидеги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МҶФ Фаргона вилояти филиалидаги ОАТ «Савдогар» банки Фаргона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига ўтлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши керак. Иктибрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фаргона шаҳри, академик Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» уйи. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Advertisement for CNH Industrial and New Holland Construction featuring images of excavators (B 90 B, E 215 B) and contact information: Tel.: (+99871) 120-74-50, (+99890) 370-77-88. Fax (+99871) 120-73-55.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper, including contact info for the publisher and subscription details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' featuring contact information and a QR code.

Advertisement for 'MANZILIMIZ: 100000' featuring contact info for the publisher and subscription details.